
НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСИ

Олтиариқ туманидаги фермер хўжаликлари далаларида бу йилги етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари айна қизғин паллада. Тинчлик МФЙ худудида яшовчи фуқаролар ҳам пахта мавсумида деҳқонларимизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳоли, уй бекалари "Эсо Хаким Эшон", "Ойбек Икром Илём" фермер хўжаликларида кунлик 100-150 килогача пахта териб, ўз оилалари учун яхшигина даромад ҳам қилмоқдалар. Айниқса, Тинчлик маҳалласи нурунийлари ўзаро маслаҳатлашиб, пахтазорга хашарга чиққанлиги теримчиларга янада ғайрат бағишламоқда.

2022-09-28 17:57:30